



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ТРАХИСАН®

Препаратнинг савдо номи: Трахисан®

Таъсир этувчи модда (ХПН): тиротрицин + лидокаин гидрохлориди + хлоргексидин диглюконати.

Дори шакли: шимиш учун таблеткалар

Таркиби:

1 таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: тиротрицин - 0,5 мг, лидокаин гидрохлориди - 1 мг, хлоргексидин диглюконати - 1 мг;

ёрдамчи моддалар: сорбитол (Е 420), магний стеарати, ялпиз мойи.

Таъриф: оқ рангли, думалоқ шаклда, ясси юзали, четлари кесилган таблетка.

Фармакотерапевтик гуруҳи: ЛОР аъзолари касалликларини даволаш учун восита.

АТХ коди: R02A

Фармакологик хусусиятлар

Фармакодинамикаси

Трахисан оғиз бўшлиғи ва томоқдаги яллиғланиш касалликларини даволаш учун қўлланилади. У, таркибий қисми оғриқ қолдирувчи ва микробларга қарши хусусиятларга эга фаол моддаларнинг мажмуасини сақлайди.

Тиротрицин бу, спора ҳосил қилувчи *Bacillus brevis* анаэроб микроби томонидан ҳосил қилинувчи антибактериал таъсирга эга бўлган циклик ва тизимли полипептидлар аралашмаси ҳисобланади. Бу аралашмада нейтрал тизимли пентадекапептид-грамцидин-20-30% ва 70-80% асосий циклик декапептид – тирокцидин сақланади.

Таъсир доираси асосан грамусбат коклар, бактериялар ва замбуруғларнинг ҳар хил турларини, масалан, *Candida albicans* ни ўз ичига олади.

Тироцидин бактериал хужайра мембранасининг осмотик тўсиқларини парчалайдиган худди катион детергенлар сингари, бактериал хужайралардан азот ва фосфат субстанцияларни ажралиб чиқишини чақиради. Ўсаётган ёки бўлинаётган бактерияларга таъсири бактерияларнинг хужайра қобиғига бевосита таъсири билан чекланмаган ва айнан шу билан тироцидиннинг бактерицид таъсири тушунтирилади.

Грамицидин бактериал хужайра мембранасида катион ўтказувчи канал ҳосил қилади, бу калийни йўқотилишига ва хужайра ичида катионлар концентрациясини ўзгаришига, ва оқибатда цитоллизга олиб келади. Грамицидинли компонент оксидланувчи фосфорланишни бузилишига олиб келади. Тиротрициннинг, антибиотикни тизимли қўлланишида маълум бўлмаган ўзига ҳос механизми асосида, кесишган резистентлик кузатилмайди.

Хлоргексидин асос бўлиб, шунинг учун асосан туз шаклида барқарор бўлади. Эркин асос, диацетат ва дигидрохлорид сувда жуда оз эрувчанликка эга (100 мл да мувофиқ равишда 0,08 г, 1,0 г ва 0,06 г), диглюконат учун жуда юкори (50 г/100 мл). Шунинг учун, турли кўрсатмаларда асосан диглюконат тавсия этилади.

Хлоргексидин ва тузлар грамусбат ва грамманфий бактерияларга нисбатан яққол микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Айрим грамманфий бактерияларга (*Pseudomonas* ва *Proteus* штамлари) қарши ва ачитқилар, дерматофитлар, микобактерияларга қарши таъсири жуда оз. У бактериялар споралари, замбуруғлар споралари, вирусларга ва йиринг чакирувчи замбуруғларга қарши самарали емас.

Ўртача концентрациялар (µг / мл):

Бактериялар:

<i>Escherichia coli</i>	0.93
<i>Enterobacter</i>	8.33
<i>Serratia marcescens</i>	26.6
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	> 73
<i>β-haemolytic Streptococci</i>	0.29
<i>Streptococcus faecalis</i>	0.97
<i>Salmonella sp.</i>	4.65
<i>Klebsiella sp.</i>	8.97
<i>Proteus sp.</i>	> 67
<i>Streptococcus mutans</i>	0.19
<i>Staphylococcus aureus</i>	1.17

Ачитқилар, дерматофитлар ва йиринг чакирувчи замбуруғлар:

<i>Candida albicans</i>	11.0
<i>Microsporium canis</i>	18.0
<i>Aspergillus versicolor</i>	75.0

Хлоргексидин асосан нейтрал ва кучсиз ишқорий рН да таъсир қилади. Нордон рН мухотида самарадорлик пасаяди. Совун, қон ёки йиринг мавжуд бўлса, хлоргексидин самарадорлиги пасаяди (100-1000 марта юқори концентрациялари талаб қилинади). Оғизни 0,2% ли хлоргексидин эритмасининг 10 млда чайиш 12 соатгача давом этган сўлакдаги бактериялар сонини сезиларли камайишига олиб келади. Бу эса тиш устида қараш ҳосил бўлишини камайтиради.

Бир неча ой давомида истеъмол қилинганда оғиз бўшлиғи флорасида ва тиш қариши таркибида бактериялар доирасида қайтувчан ўзгариш юз беради. Оғиз бўшлиғидаги микроорганизмларнинг доирасидаги ўзгаришларнинг оқибатлари тўғрисида ҳеч қандай тадқиқотлар йўқ.

Хлоргексидиннинг таъсир механизми унинг микроорганизмларнинг хужайра қобиғига яқинлигига асосланган бўлиб, уларнинг юзасини хусусиятлари фаол модда билан контактдан кейин ўзгаради.

Липофил гуруҳлар хужайра қобиғининг липопротеин мембранасини дезоринтировкасига олиб келади, хлоргексидин абсорбцияси осмотик мувозанатни издан чиқишига ва кейинчалик қўзғатувчининг хужайраси цитоплазматик мембранасини парчаланишига олиб келади.

Лидокаин гидрохлориди амид типидagi маҳаллий анестетикдир. У нерв толаси натрий каналларининг блокадасини чақиради, бунинг оқибатида нерв толаси мембранаси қайта қутбланмай қолади. Бунинг натижасида, нерв толалари бўйлаб қўзғалишини ўтказилиши блокланади.

Фармакокинетика

Тиротрицин

Маҳаллий қўлланилганида на соғлом, на шикастланган тери ёки шиллик қават орқали сўрилиши кузатилмаган.

Тиротрицин худди пептид каби, меъда шираси томонидан тўлиқ парчаланиши туфайли, фаол моддани қўллаётганда дозалаш тартибига амал қилинганда қон зардобиди фармакологик релевант концентрацияларни кутиш керак эмас.

Хлоргексидин

Оғиз чайилганидан сўнг, хлоргексидин тиш эмалига, дентинга, цементга, тиш пелликулига ва шиллик қаватларга сўрилади. Хлоргексидиннинг аста десорбцияси сўлакда 8 соатгача вақт давомида кечади (депо таъсири).

Оғиз бўшлиғининг шикастланмаган шиллик қавати орқали хлоргексидинни сўрилиши кузатилмаган.

Одамда ярим чиқарилиш даври 4 кунни ташкил этган.

Лидокаин гидрохлориди

Перорал қабул қилинганидан кейин тўлиқ сўрилади, бироқ жигар орқали биринчи марта ўтишидаёқ 50% фаолсизланади.

Трахисан таркибидаги фаол модданинг 1 мг миқдори тизимли таъсирни деярли инкор этади.

Қўлланилиши

Стоматитлар, гингивитлар, пародонтитлар, глосситлар, тонзилитлар, фарингитлар каби оғиз бўшлиғи ва томоқнинг яллиғланиш ва инфекция қасалликлари ва ютишнинг бузилиши билан бирга келувчи бошқа ҳолатлар. Оғиз бўшлиғи ва томоқ соҳасидаги хирургик аралашувларидан олдин инфекцияларни олдини олиш учун (тиш экстракцияси, тонзиллэктомия) қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни қуйидаги ҳолатларда:

- фаол моддага ёки препаратнинг ёрдамчи компонентига юқори сезувчанлик;
- оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватида эрозив ва дескаваматив ўзгаришлар;
- оғиз бўшлиғида ва катта ҳажмдаги янги яралар;
- Препаратни 4 ёшгача бўлган болалар учун ишлатиш тавсия етилмайди, чунки препарат сўрилиши керак қўллаш мумкин эмас.

Препарат сорбитол сақлайди, фруктозани ўзлаштира олмайдиган пациентларда эътиборга олиш керак.

Қўллаш усули ва дозалари

Бир таблеткадан оғиз бўшлиғида шимиб, ҳар 2 соатда қабул қилинади. Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун суткалик доза – 8 таблетка; 4 ёшдан 12 ёшгача болалар учун – 6 таблетка. Одатда, касалликнинг симптомлари бир неча кундан кейин йўқолади, аммо турғун терапевтик самарага эришиш учун даволашни яна 2-3 суткага давом эттириш тавсия қилинади. Агарда препарат 5-10 суткада қўлланганида пациентнинг ҳолати яхшиланмаса, шифокорнинг маслаҳати керак.

Трахисаннинг узлуксиз қўлланиши врачнинг тавсиясисиз 2 ҳафтадан кўп давом этмаслиги керак.

Ножўя таъсирлари

Одатда препарат яхши ўзлаштирилади.

Кам ҳолларда ўта сезувчанлик, маҳаллий тасирланиши хусусияти, томоқ шиш, юз шиш, эшакеми тери тошмалар ёки нафас қисилиши.

Қиска муддатли таъмини бузилишлари, вақтинчалик тилнинг увишиши пайдо бўлиши мумкин. Кам ҳолларда узоқ муддат қўлланганида тишларнинг пломбаларини ва протезларни ёки тилни оч жигарранг ёки сариқ рангга аҳамиятсиз бўлиши пайдо бўлиши мумкин, бундай ҳолларда оғиз бўшлиғининг гигиенасига қатъий риоя қилиш керак. Бўялиш препаратни қўллаш тўхтатилганидан кейин мустақил йўқолади.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Аниёланмаган.

Махсус кўрсатмалар

Трахисан таркибида шакар сақламайди ва шунинг учун тишларни кариесга олиб келмайди. Препарат қандли диабет бўлган пацентларда қўллаш мумкин, шакарнинг ўрнидаги сорбитни нон бирлигига ўтказиш лозим. 1 та таблеткада 691,5 мг сорбитол мавжуд бўлиб, улар 0,057 бирлигига тўғри келади.

Хомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Хомиладорлик ва лактация даврида препаратнинг салбий таъсирлари хақида маълумот берилмаган. Бироқ, бу тоифадаги беморларда махсус тажрибалар ўтказилмаган. Шунинг учун препаратни қўллашдан олдин шифокор бу беморлар гуруҳига хавф / фойда нисбатларини ҳисобга олиши керак.

Дори воситасининг транспорт воситасини ёки хавfli машиналар бошқариши бўйича маълумот

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиш ҳоллари таърифланмаган. Тасодифан хаддан зиёд таблетка қабул қилинганда, меъдани ювилиши тавсия этилади.

Даволаш - симптоматик.

Чиқарилиш шакли

10 таблеткадан блистрлар ,2 блистердан картон кутида тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга.

Сақлаш шароити

Намлиқдан ҳимояланган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Ўрамда кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

Энгельгард Арцнаймиттель ГмбХ & Ко. КГ

Херцбергштрассе, 3, 61138 Нидердорфельден, Германия.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили.

Ўзбекистон, 100041, Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Навнихол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: infopharmaff@gmail.com